

АБУ АБДУЛЛОҲ МУҲАММАД ИБН ИСМОИЛ АЛ-БУХОРИЙ

АЛ-ЖОМИЪ АС-САҲИҲ

(Ишонарли тўплам)

4-жилд

Арабчадан АБДУЛҒАНИ АБДУЛЛОҲ таржимаси
Профессор НЕЪМАТУЛЛОҲ ИБРОҲИМ ва шоир МИРЗО КЕНЖАБЕК таҳрири остида
Мухаррир ХОЖА БАХТИЁР НАБИХОН ЎҒЛИ

ҚОМУСЛАР БОШ ТАҲРИРИЯТИ

1992 йил

Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийми

БЕМОРЛАР ВА ТИБ ҲАҚИДА КИТОБ

1-боб. Беморлик каффорати ва Оллоҳ таолонинг «Кимнинг қилмиши ёмон эрса, жазо тортғусидир!» деган каломи шарифи хусусида

Ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг завжалари Оиша онамиз разияллоҳу анҳо бундай деган эрканлар: «Мусулмон кишига етадирган ҳар бир мусибат, ҳаттоки баданининг бирор ерига кирган тикан ҳам, унинг гуноҳига каффорат бўлғусидир!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан бундай деб нақл қиладилар: «Мусулмон кишига етадирган ҳар бир машаққат — Дард, ташвиш, қайғу, азият ёхуд ночорлик ва ҳаттоки (баданига) кирган тикан ҳам, Оллоҳ таоло даргоҳида унинг гуноҳларига каффорат бўлғусидир!»

Абдуллоҳ ибн Каъбнинг оталаридан нақл қилишларига кўра, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эрканлар: «Мўмин одам шамолда гоҳ эгилиб, гоҳ қаддини тиклаб олғувчи сабза гиёҳ монанддир, мунофиқ эрса, мўртлиги сабабидан бир қаттиқ шамолдаёқ синиб кетгувчи арз (кедр) ёғочига ўхшайдир!»

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ривоят қилишларича, Жаноб Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дебдилар: «Мўмин одам бало-қазоларга тоқат этмоқликда сабза гиёҳ монанддир. Чунким, мўмин ҳар тарафдин шамол эсганда эгилиб, сўнг яна қаддини тиклаб олғувчи сабза гиёҳ янглиғ бало-қазоларга чидаб, енгилмағайдир. Фожир (осий) одам эрса, мўрт арз оғочи кабидир, Оллоҳ таоло уни, истаса, бирданига синдира олур!».

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳунинг ривоят қилишларича, Ҳазрат Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деган эрканлар: «Оллоҳ таоло қайси бандасига яхшилиқни раво кўрса, ўшанга бирор мусибатни юборгайдир».